

7-10-2019

## FEATURES OF DRAWING ACTIVITIES BASED ON IMAGINATION AND MEMORY.

Алимардон Хайдарович Абдуллаев  
Қўқон ДПИ

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Абдуллаев, Алимардон Хайдарович (2019) "FEATURES OF DRAWING ACTIVITIES BASED ON IMAGINATION AND MEMORY.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 68. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/68>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

---

## FEATURES OF DRAWING ACTIVITIES BASED ON IMAGINATION AND MEMORY.

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

## **ХОТИРА ВА ТАСАВВУР АСОСИДА ТАСВИР ИШЛАШ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС жиҳатлари.**

Абдуллаев Алимардон Хайдарович  
Қўқон ДПИ ТСМГ кафедраси

*Аннотация:* Мақолада Қаламтасвир машғулоти жароёнида талабалар олган билимларини мустақамлашда хотира ва тасаввур асосида тасвир ишлашнинг аҳамияти тадқиқ этилган.

*Таянч тушунчалар:* хотира асосида тасвир ишлаш, тасаввур асосида ишлаш, геометрик жисмлар, манзара, портрет, ёруғ-соя, шакл, буюмларнинг ҳажми, фазовий ҳолат, солиштириш, таққослаш.

## **СВОЕОБРАЗНОЕ СТОРОНЫ РИСОВАНИЯ ПО ПАМЯТИ И ПРЕДСТАВЛЕНИЯ.**

*Аннотация:* В статье рассматривается важность рисования по памяти воображения на основе знаний, полученных студентами в течение курса рисования.

*Опорные понятия:* образ на основе памяти, воображение, геометрические объекты, пейзаж, портрет, тень, форма, размер объектов, положение в пространстве, сравнение, сравнение.

## **FEATURES OF DRAWING ACTIVITIES BASED ON IMAGINATION AND MEMORY.**

*Abstract:* The article discusses the importance of memory and imagination based on the knowledge gained by students during the course.

*Anchor concepts:* image based on memory, imagination, geometric objects, landscape, portrait, shadow, shape, size of objects, position in space, comparison, comparison.

Хотира ва тасаввур асосида тасвир ишлашдан мақсад талабалар дарс жароёнида олган билимларини янада мустақамлаш ҳисобланади. Бунинг учун дарс жароёнида олган билимлар назорат иши тарзида текширилади. Назорат иши турли шаклда ташкил қилиниши мумкин. Мисол учун, ўқув машғулоти жароёнида натура асосида тасвири ишланган буюмларни хотира асосида ишлашни олишимиз мумкин. Бунда буюмлар жойлашган натура текислигини, буюмларнинг ҳажмини, фазовий ҳолатини, ёруғ-соя нисбатларини, материаллигини ва ўзига хос характерли томонларини топиш мақсад қилиб қўйилади. Бунинг учун педагог ўқув йили давомида ўтилган мавзуларни талабаларнинг ёдида солади ва улар асосида мустақил тарзда композиция тузиш масаласини илгари суради. [1]

Назорат иши жароёнида талабалар олдин ўрганган буюмларини хотира асосида кўз олдиларида қайта гавдалантириб, уларнинг фазовий ҳолатини,

шаклини, характери ни образли ечимини топиш асосида ўз билими, кўникма ва малакларини ошириб борадилар.

Хотира асосида ишланган назорат ишининг афзаллик томони шундаки, у аввало талабаларнинг хотирасини мустаҳкамлайди, борлиққа нисбатан диққат-эътиборини оширади, буюмлар оламининг гўзаллигини хис қилишига ёрдам беради. Шунингдек, у талабанин г эркин ижод қилишига асос бўлади. Талаба натура асосида ишлаш жараёнида кейинчалик ушбу натурани хотира асосида ишлаш лозимлиги назарда тутса, у ҳолда буюмларни янада синчковлик билан кузатади ва ўрганади. Турли кузатиш нуқталаридан хомаки тасвир ва қораламалар ишлайди.

Педагог узоқ муддатли дарс машғулотлари жараёнида талабалар натурани ишлашларидан олдин, натурани қайта-қайта, синчковлик билан кузатишга бор эътиборини қаратишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиши керак. Бунинг учун аудитория шароитида ўқитувчи раҳбарлигида ўтказиш мумкин бўлган икки хил машғулотни алоҳида кўрсатиш мумкин [2].

- Олдиндан яхшилаб кузатиб, ўрганиб натура асосида тасвири ишланган объектни хотирада қайта тиклаб тасвирини ишлаш.

- Хотирани ривожлантириш мақсадида олдин тасвири ишланмаган объектни кузатиш, ўрганиш натижасида тасвирини хотира асосида ишлаш.

Бу машғулотлар тартиб асосида мунтазам равишда ташкил қилингандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Акс ҳолда хотира ва тасаввур асосида ишлаш машғулотлари талабаларнинг зерикишларига, дарсга эътиборсизлик билан қарашларига олиб келиши мумкин. Педагог дарсдан ташқари вақтда талабалар мустақил тарзда хотира асосида ишлашлари учун ўқув ишчи фан дастури асосида белгиланган мавзулар билан бир қаторда эркин мавзуда композиция ишлаш вазифаларини ҳам бериб бориши лозим. [3]

Биз қуйида икки хил машғулотлар учун тавсияларни келтириб ўтамыз. Бу машғулотларни ўқишни бошларида, яъни I-II- босқич талабалари учун алоҳида ва юқори босқич, яъни 3-4-босқич талабалари учун алоҳида белгилаб олдик.

#### *А) Ўқишни бошидаги машғулотлар.*

Текислиқдаги буюмларни хотирада яхши сақланиб қолишига эришиш учун бажариладиган машғулотларнинг бир неча турини тавсия қиламыз:

- *Олдин натура асосида ишланган натюрмортни хотира асосида қисқа муддатли тасвирини ишлаш.* Бу машғулотлар механик кўчиришдан иборат бўлиб қолмаслиги ёки юзаки кўриниш касб этмаслиги учун аввал бажарилган ишга нисбатан бошқача ҳажмда, яъни катта ёки кичик ўлчамда ишлаш ҳамда бошқа тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

- *Солиштириш, таққослаш машғулотлари.* Талабалар солиштириш, таққослаш услубини қўллаганлари ҳолда хотира асосида бир-бирига тузилиши жиҳатидан яқин бўлган иккита буюмнинг тасвирини ишлайди. Бироз тажриба орттириб олганларидан кейин эса буюмлари сонини ошириб бориши мумкин.

• **Натура асосида бажарилган хомаки тасвир ва қораламалар асосида геометрик жисмлар натюрмортини ишлаш.** Бунда олдин ишланган буюмлар асосида натюрморт тузилади ва аввалгидан фарқли тарзда бошқа ёритиш манбаидан фойдаланган ҳолда ишлаш талаб қилинади. Бироқ, янги қўйилмани натура асосида узоқ муддатли тасвири ишланмайди. Уни ўрнига эса қисқа муддатли хомаки нусха ва қораламалар ишланади. Ушбу хомаки тасвир ва қораламалардан фойдаланган ҳолда хотира асосида узоқ муддатли тасвир ишланади.

• **Муқаддам тасвири ишланмаган, бироқ, яхшилаб кузатиб, ўрганилган буюмларнинг тасвирини хотира асосида ишлаш.** Бу машғулот давомида талабалар олдин тасвири ишланмаган, бироқ яхшилаб кузатиб, ўрганилган уй-рўзғор буюмларидан ташкил топган натюрморт тасвирини хотира асосида ишлайдилар. Бу буюмлар иложи бўлса аудиторияда усти ёпилган ҳолатда туриши лозим, чунки талабалар хотира асосида ишлаш жараёнида йўл қўйган умумий камчиликларини бартараф қилиш мақсадида ушбу буюмларнинг усти очиб, кўрсатилади, таҳлил қилинади, натурага солиштириш орқали камчиликлар бартараф қилинади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилиш жараёнида перспектива қонуниятлари ва ёруғ-соя нисбатлари юзасидан талабаларнинг олган билимларини аҳамияти янада ортиб боради. Натижада эса қаламтасвирдан олган назарий ва амалий билимларнинг мустаҳкамланишига, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

**В) Юқори босқич талабалари учун машғулотлар.**

• **Натура асосида ишланган одамлар хомаки тасвирини хотира асосида ишлаш.** Бундай машғулотлар жараёнида ишланган тасвирларни ўзаро таққослаш учун иккита одам қоматини бир қоғоз юзасига ишлаш талаб қилинади. Бошланишида ортиқча майда деталлардан воз кечган ҳолда энг характерли кўринишини ўзида акс эттирган одам бошининг тасвирини ўзи кифоя қилади.

• **Натура асосида ишланган қисқа муддатли тасвирни хотира асосида давом эттириш ва яқунлаш.** Бунда натура асосида хомаки тасвири, қораламаси ишланган одам портретини тугалланган қаламтасвир ҳолатига хотира асосида ишлаш орқали келтириш кўзда тутилади.

• **Шаҳар манзарасини хотира асосида қаламтасвирини ишлаш.** Бу вазифани икки хил услубда амалга ошириш мумкин:

а). Натура асосида чизиқли тасвири ишланган шаҳар манзараси хомаки тасвирига асосланган ҳолда иккинчи бир қоғозга унинг тугалланган қаламтасвирини ишлаш.

б). Олдиндан натура асосида ишланган тасвирга асосланмаган ҳолда эркин тарзда хотира асосида шаҳар манзараси қаламтасвирини ишлаш.

Бу ишларни амалга ошириш бирмунча мураккаблик қилишини инобатга олган ҳолда илк тажриба машғулотлари жараёнида манзарани қайта кузатиш мумкин. Бу масалани ҳал қилишда объект танлаш, қоғозда уни композицион

ечимини тўғри ифодалаш, фазовийликка эришиш, оддий қора қаламнинг ўзида ранг, тус ечимини, материалликни топиш жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

• **Хотира асосида кийимсиз натурачи қоматини ишлаш.** Бу топшириқда натурачи қоматини, унинг ҳаракатини қоғоз юзасида фазофий-ҳажмли ҳолатини топиш асосий вазифа ҳисобланади. Шу билан биргаликда одам қомати тасвирини анатомик - пластик, бадиий ечимини топишга эътибор қаратилади. Ўз ўрнида натура асосида ишланган тасвир билан хотира асосида ишланган тасвирни талабаларнинг ўзлари солиштириб, ютуқ ва камчиликларини топишлари ҳам дарсдан кўзланган мақсадга эришишнинг асосий омили эканлигини унутмаслик керак.

• **Одамлар гуруҳи тасвирини ишлаш.** Бунда муайян бир машғулот, юмуш билан банд бўлган одамлар гуруҳи тасвирини хотира асосида ишланади. Мисол учун, баҳс-муназарада иштирок этаётган, кўчат экиб боғ яратаётган, биргаликда куйлаётган, рақс тушаётган, футбол, волейбол ўйнаётган ва шу каби умумий бир машғулот билан банд бўлган одамлар тасвири ҳам бўлиши мумкин.

Айнан кишилар гуруҳи тасвири кейинчалик мавзу асосида композиция тузишда, битирув малакавий ишни бажаришда, шахсий-ижодий фаолиятларида ҳам жуда асқотади.

#### **References:**

1. Unkovskiy A. Risunki-nabroski. M.; "Prosveshenie". 1982.
2. Bammes G. Xudojestvennaya plasticheskaya anatomiya cheloveka. D.; 1988.
3. Avsiyan O.A. Natura i risovanie po predstavleniyu. M.; 1985.